

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "13" январь №12-02/683 -сон

Нурафшон шаҳар
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи «Обдор ман гулчи бахари»
(Истеъмолчи номи) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар
Т.З. Сиддиқов

"13" мартда берилган 01-19-24/2128-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи
"Hududgaz Toshkent" газ таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи)
(кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари М.Р.Алнєв икки
томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчи
келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб
бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-банди
кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган
тарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ қурилма
шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш прибори
деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газ
фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта
кўрсатилган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган еhtiёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиш
тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 9089 куб
мтр (м³) минт сўми ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича
қуйидагича тақсимланади:

1

чорак	январь	февраль	март
чорак	апрель	май	июнь
чорак	июль	август	сентябрь
чорак	октябрь	ноябрь	декабрь

Шартноманинг умумий сўмлари 3988.740 (беш минг миляон тўнча)
103 (миляон сўми) 740 (сўми) 400 (сўми) 740 (сўми)

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тулик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва
аз тақсимоти тармоқларининг ишлари издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси
азирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кайд этилган стратегик ва
қтимой аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал
минт куб метри, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини
ашкил қилади:

чорак	январь	февраль	март
чорак	апрель	май	июнь
чорак	июль	август	сентябрь
чорак	октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлган буюртманомани тақдим этмаса,
етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил
ликдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва
қзни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта
ўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан наватдаги ой (чорак) учун кўрсатилган
табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган
ққидирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ микдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) мулдатларда ва ҳажмларда ҳамда
ОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ
арздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига
асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади,
шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даталатномасини
мзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш
артиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча ҳушлар орқали Истеъмолчини хабардор
илиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Нурафшон шаҳар Саодат кўчаси 2041-б-51-84

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар
амида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қуурларида юз берган
авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб
бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимла бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи истеъмолчининг оғохлангирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи ега. Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доираси тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етар миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришни тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзинга тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларга ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соҳа фойдаланиши, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиш реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига оид келган ҳолларда Истеъмолчи, Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Истеъмолчи Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг ўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатлар улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъм қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишчи чикарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш, Истеъмолчилар учун мажбур ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегараси ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқлана ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғини бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйи аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м^3 газ олинади: ҳарорат 20°C , босим $101,325 \text{ кПа}$ (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйи тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатла талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида $O^2 \text{ Dst } 8.030-2008$ “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, $O^2 \text{ Dst } 8.031-2008$ “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чикарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёсов кўригидан ўтказилган сертификати ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг киёсов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёсов кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чикариш ёёқлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чикарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёсов кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чикариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чикарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида таъминлайди. Етказиб берилган газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берилган газ ўлчаш приборини параметрларини ўз вақтида етказиб берилиши таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш приборларига газ хажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатилиши ва таъминли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлигига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш приборларига ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳукукига эга бўлиб берилади, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз кириши таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишлатишга қўйилган талаблар юзасига келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолияти руҳсатсиз аралашуви ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газнинг фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан аниқлаштирилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмолчи (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартirilганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлиги тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инон олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёслов ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплекс метрологик аттестациядан ўтказиш мuddати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш мuddати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили б кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили б кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздирилган қурулларда ёки ГТТларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили б кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда таъши қўрсатган ҳолда таъбий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда– таъши қўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган таъбий газ хажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинлади);

л) газ истеъмоли хажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаламаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб қўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирмадан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асосланттирувчи хужжатлар мавжуд бўлганда) -бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ хажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метёрий-техник хужжатларида қўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинлади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг иншончилигига таъсир қўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи “Ўзстандарт” агентлиги бўлималарида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса–экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқкандаёки хисобга олиш приборидан газ олиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу вақтда хабар бериши шарт.Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган нақддан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(О'з DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида қўрсатилган ойллик газ кийматиининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисоббарак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйдаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисоббарак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатишган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш, Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу қиймати ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг таъини аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб қўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.- бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-амалга оширилмаган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олинган тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда муро қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланиш қаида 5 кун олдин, газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб бер тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 ф микдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми якуний ҳисоб-китоб, ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ ет берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бў мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнанинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш тутагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни а оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ ет беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс та тўланган маблағлар қайтарилмади, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартно белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасда олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган таби киймати нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, та хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлогини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, ш Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли, истеъмол қилинган та газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қили натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар б мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари, Истеъмолчинини хабардор қилган ҳолда қ қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қийма вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган суммасининг 0,4 фоизи микдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фой ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб бер вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларин олиш (ГТХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қили истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар «и тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини х олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган киритиш орқали аниқланади.

Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолат билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолат мумофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўлиб олинади).

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчинини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА

УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатлар бартараф этилунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаган натижазида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазинспекция"нинг кўрсатма бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичлар ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланган бўлганда. Бунда Етказиб берувчи, газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказиб берилган газ учун қарздорликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мумофиқ Истеъмолчи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 1-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ПТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- Ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва улардан фойдаланиш таъмирлаш-тиклаш;
- Ўзига қарашли газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсат қилинган аниқлаш учун даврий қўздан кечиритиш; табиий газ етказиб берилган қисқорган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашни таъминлаш;

- шартноманинг 3.17, ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчиритиш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчида газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мумофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- оқват тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мумофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчинини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улашиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мумофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиртириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар

бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлангирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электр газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларини кўрсаткичларини тақдим этиш.

- Ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтиш ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш учун етказиб берувчи билан тасдиқланган тарифлар бўйича бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тузади.

- Истеъмолчи бажарилган ишлар тўғрисида далолатномада кўрсатилган реқвизи асосан Етказиб берувчига 100 фоиз тўлов амалга оширади.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш ва тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зуд билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсат улашишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўз кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифицикланмаган, газлаштирилган лойҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтугаз инспекция" ҳодимларининг (тегишсиз) гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўз кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги иш бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслигини уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотлар масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУ) ўлчимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчидан ўрнатиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйдагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларини норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган

ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фойдалигини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;

- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

- в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан ўзиб

кўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбурият бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжат талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни эгтганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳақ кийматининг 20 фойизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўлаш суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун у мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ кийиматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ хўш вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган суммасынинг 0,4 фоизи миқдорига, бироқ муддати ўтган тўлов суммасынинг 10% миқдоридан ошмайдиغان миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1.Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалда коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, ба амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди қафолатгайли.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагилар кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг асосий шартлари ва куйидаги мажбуриятларни у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

Х. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзига келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2.Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қурурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгин чикиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки носабўтларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокарапар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурый тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қучга қиради.

12.3. Шартнома 2024-йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муд тутаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб бى мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюдже- маблаг олувчилар ҳар йили 2022 йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилин-
кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

ХП. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чарга тадбирлар тўғрисида”ги №6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газ улуғуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси 1^н прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2^н йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун уч нусхада тузилган, уч нусхаси хам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

«Худлгастаъминот» АЖ

«Худудгаз Тошкент» филиали

100115, Тошкент Нурафшон
Виллоя, 37-А уй

порт кучаси 37-А уй

Инзил: Тел./факс: (78) 150-31-30, (78) 150-30-95

НК НОМИ: «Ўзсаноатқурилишбанк» Ракатф-ли

англ.: Тошкент ш. Чилонзор т. Мукумий 98

|ΦO: 00435

HH: 306605769

КЭЛ: 35220

U/P-2263 4000 1051 1396 0431

'ахбар:

(Ф.И.Ш.)

Імзоси:

Мүхр үрүн

Юрилик маслахатчи хулюсаси:

Юридик масъалатчи ҳуҷаси: Мен табиий газни etkazиб бериш ва қабул қилишга оид маъруз шартнома лойиҳасини ўргатиб чиқиб, шартноманинг мажбуриятлари ва ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси» тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Колексининг тегишли моддалари ва бонка норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилган ҳолда тузилганлигини эътироф этиб, шартнома лойиҳасини ўргатилган шартнома имзоланишига тазвия қиламан.

(Ф.И.И.)

(сана)

15

16

Ушбу шартномани ҳаққонийлигини тасдиқловчи масъул филиал
ҳодимлари

Бошлик ўринбосари _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Энергия манбалари балансини тузиш _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Бўлими бошлиғи _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Юридик шахсларга табиий газни етказиб беришни назорат қилиш бўлими бошлиғи _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Ўз.Рес.Ваз.Мах. 22-сон на Ўз.Рес.Пр. 2020 йил 24 сентябр ПҚ-4840 қарори ижроси талабига риоя қилиш шарти билан.

Метрология хизмати бошлиғи _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Бўлим бошлиғи: Шеффаров Д. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Бўлим мухандис Д.Намозов _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Улгуражи истеъмолчилар билан ишлаш хизмати мухандиси _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Сервис хизмати устаси Пиримов Р. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Метрология хизмати мухандиси _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Фойдаланиш хизмати устаси Абдулмевит А. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

Хисобчи Бадалиева Д. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (сана)

2022 йил «13» 01 даг
12-02/683 -сон шартнома
ИЛОВ

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

РЎЙХАТИ

Фаолият тури: Ободончилик ишлари бажариш

Каластр № _____

Табиий газ тарифи 660 сум _____ тийин

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
	БЧКО	МЧ-4	1	1,12	Дрими 6-10
		МЧ-4	4	0,95 x 4	4028528
		печи			13.11.2020

Келишилган:

Етказиб берувчи

Истеъмолчи

Рахбар _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (сана)

Имзоси _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (сана)

Мухр ўрни _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (сана)

Ижрочи _____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (сана)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

Hujjat raqami: QO30623035

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “Hududgaz Toshkent” gaz ta'minoti filiali o'rtasida tabiiy gazni ulgurji iste'molchilarga yetkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan hamda Chirchiq shahar Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 13.01.2022 yilda e-huquqshunos dasturi orqali yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga **muvofiq**.

Markaz bosh yuriskonsulti



A. A. G'aybullayev